

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
**DSc.26.04.2018.Tib.64.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

---

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

**ИРИСОВ ДЖАМШИД БАХОДИРОВИЧ**

**СҮР2С9 ВА VKORC1 ГЕНЛАРИНИНГ ПОЛИМОРФИЗМЛАРИ ВА  
УЛАРНИНГ ЎЗБЕК МИЛЛАТИГА МАНСУБ БЎЛГАН, БЎЛМАЧАЛАР  
ФИБРИЛЛЯЦИЯСИ МАВЖУД БЕМОРЛАРДА ВАРФАРИН  
САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Ирисов Джамшид Баходирович**

CYP2C9 ва VKORC1 генларининг полиморфизмлари ва уларнинг ўзбек миллатига мансуб бўлган, бўлмачалар фибрилляцияси мавжуд bemорларда варфарин самарадорлигига таъсири ..... 3

**Ирисов Джамшид Баходирович**

Полиморфизм генов CYP2C9 и VKORC1 и их влияние на эффективность варфарина при фибрилляции предсердий у больных узбекской национальности ..... 27

**Irisov Djamshid Bahodirovich**

Polymorphism of genes CYP2C9 and VKORC1 and their impact on the effectiveness of warfarin in Uzbek patients with atrial fibrillation ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 55

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
**DSc.26.04.2018.Tib.64.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

---

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

**ИРИСОВ ДЖАМШИД БАХОДИРОВИЧ**

**СҮР2С9 ВА VKORC1 ГЕНЛАРИНИНГ ПОЛИМОРФИЗМЛАРИ ВА  
УЛАРНИНГ ЎЗБЕК МИЛЛАТИГА МАНСУБ БЎЛГАН, БЎЛМАЧАЛАР  
ФИБРИЛЛЯЦИЯСИ МАВЖУД БЕМОРЛАРДА ВАРФАРИН  
САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида 2017.2.PhD/Tib200 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.cardiocenter.uz](http://www.cardiocenter.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Закиров Нодир Узувич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Камилова Умида Кабировна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Абдуллаева Чарос Абдужалиловна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**М. Миррахимов номли кардиология ва терапия**  
**миллий маркази (Қирғизистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.26.04.2018.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:100052,Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 4-йй, Тел./факс: (99871) 234-16-67, e-mail: [info@cardiocenter.uz](mailto:info@cardiocenter.uz))

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 4-йй, Тел./факс: (99871) 234-16-67).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_ даги № \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р.Д. Курбанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

**Г.У. Муллабаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.Б. Шек**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бўлмачалар фибрилляцияси (БФ) оғир, ҳаёт учун хавфли юрак ритми бузилиши бўлиб – тромбоэмболик асоратлар (ТЭА), жумладан ишемик инсульт (ИИ) ривожланишига, қон айланиши етишмовчилиги кучайишига ва ўлимга олиб келувчи мустақил ва жиддий хавф омили бўлиб ҳисобланади (Crandall M.A. et al., 2009). Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг (ЖССТ) 2015 йил маълумотларига кўра «жаҳондаги 56,4млн ўлим холатининг энг кўп улушкини юрак ишемик касаллиги ва инсульт ташкил этиб умумий хисобда у 15 миллионга тенгдир»<sup>1</sup>. Норевматик этиологияли БФ мавжуд bemорларда ИИ ривожланиши хавфи, синусли маромга эга инсонларга қараганда 5,6 маротаба, клапанли генезга эга БФ да эса 17,6 марта юқоридир (Kannel W.B. et al, 1982). БФ оқибатида инсульт бўлган bemорларда ўлим хавфи 2 маротаба юқоридир, даволаш учун сарф-ҳаражатлар эса 1,5 баробарга ортади (Stewart S. et al, 2002, Kirchof P. et al, 2007).

Жаҳонда БФ мавжуд bemорларни эрта ташхислаш, уларда ТЭАнинг олдини олиш борасида даволаш-профилактика тадбирларининг самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. ТЭА, жумладан, ИИ нинг профилактикасини орал антикоагулянтлар билан олиб боришни мақбуллаштириш, ногиронликни ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш мухим аҳамият касб этади. Бу борада CYP2C9 ва VKORC1 генлар полиморфизмларини баҳолаш; ушбу генлар полиморфизмларини турли хил этник гурухларда частоталарини аниқлаш; генетик полиморфизмларга асосланган холда ТЭА, ҳаёт учун хавфли йирик қон кетиши хавфларини башоратлаш; турли генотипларда орал антикоагулянтларнинг самарадор ва хавфсиз бўлган дозасини аниқлаш илмий тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. БФ мавжуд bemорларда антикоагулянт терапия самарадорлигини ва хавфсизлигини оширишга қаратилган замонавий фармакогенетик ёндошувни оптималлаштириш, ушбу соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолига сифатли ихтисослаштирилган кардиологик ёрдам кўрсатиш ва амалий тиббиётга юқори технологик услубларни жорий қилиш бўйича кенг қўлламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида «аҳолига тиббий ва ижтимоий – тиббий хизматлар кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли касалланиш даражасини пасайтиришни ва ҳаёт давомийлигини узайтиришни таъминлаш»<sup>2</sup> каби вазифалар қўйилган. Шу муносабат билан кардиология соҳасини изчил ривожлантириш, юрак-қон томир касалликлари сабабли ўлим холати ва ногиронликнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиши ва уларни

<sup>1</sup> World health statistics. World Health Organization. 2015

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ – 4947-сон Фармони.

соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини шароитида ва бошқа бўғинларда татбиқ қилиш бўйича вазифалар муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 12 июндаги ПҚ-3052-сон «Соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари хамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада ҳизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ равища бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қатор мамлакатларда ўтказилган кўп сонли тадқиқотлар ва чоп этилган адабиётлар шархидан маълумки, антикоагулянт терапия, жумладан варфарини (Вф) самарадорлиги ва хавфсизлигини CYP2C9 ва VKORC1 генлари полиморфизми ташувчанлиги билан ўзаро боғлиқлиги, уларнинг турли этник гурухларда тарқалиш даражаси аниқлашга кўплаб илмий ишлар бағишлиланган (Kimura M., 1998, Aynacioglu AS, 1999, Gaikovitch EA, 2003, Bozina N., 2003, Yang JQ., 2003, Сычев Д.А., 2005, Ansell J, Moridani M, 2006, Сироткина О.В., 2005, Carlquist J., 2006., Yin T., 2006, Higashi M.K., 2008, Панченко Е.П., 2008, Гиляров М.Ю. 2011 ва б.). Аниқланишича, CYP2C9 ва VKORC1 генлари вариантли аллеллар ташувчиларида хаддан ташқари гипокоагуляция (ХТГ) ва/ёки қон кетишлар ишончли даражада кўпроқ учраган. Шу билан бирга уларга антикоагулянтнинг янада пастроқ ўртача кундалик дозалари керак бўлган, ушбу беморларда «ёввойи» генотипли турдаги касаллар гурухига қараганда халқаро меъёрлаштирилган нисбатнинг (ХМН) мақсад қилинган қийматларини таъминлаб турувчи антикоагулянт дори воситасининг самарали дозаларини аниқлаш учун кўпроқ вақт талаб этилган (Sanderson S., 2005, Сироткина О.В., 2005, Carlquist J., 2006., Yin T., 2006, Higashi M.K., 2008, Панченко Е.П., 2008, Гиляров М.Ю., 2011. ва б.). Қатор тадқиқотларида (Gadge 2003, Sconce EA. 2005, Hillman M. 2005, Takahashi H. 2006, Tham L.S. 2006, Сычева Д.А. 2007) антикоагулянт терапия тавсия этилишида, фармакогенетик текширув натижалари асосида дозалаш алгоритмларининг афзаликлари кўрсатилган.

Мамлакатимиз амалий тиббиётида CYP2C9 ва VKORC1 генлари полиморфизмлари тарқалиши ва уларни ташилиши билан дори воситасини дозалаш бўйича ўзаро боғлиқлик ўрганилган тадқиқотлар олиб борилмаган. Юқорида баён қилинганларнинг барчаси шу ҳақда далолат берадики, CYP2C9 гени CYP2C9\*2/\*3 полиморфизмлари ва VKORC1 гени G(-1639)A полиморф маркери ташилишининг Вф терапевтик дозалари билан ўзаро боғликларини

ўрганиш амалий кардиология учун долзарб вазифа ҳисобланади ва препаратурнинг мақсад қилинган қўллаб турувчи дозасига эришиш муддатларини камайтиришга ва шу тариқа турли, жумладан, ҳаётга хавф солувчи қон кетишилар хавфи ривожланишини пасайтиришга имкон беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ АДСС 15.13.1 амалий гранти доирасида «Интервенцион ва генетик усулларни қўллаган ҳолда бўлмачалар фибрилляцияси ҳаёт учун хавфли қоринчалар аритмияларини давоси ва профилактикасини дифференцирланган услубларини ишлаб чиқиши» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** CYP2C9 ва VKORC1 генлари полиморфизмларининг ўзбек миллатига мансуб БФ мавжуд шахсларда тарқалишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш асосида ТЭАнинг профилактикаси учун антикоагулянтнинг самарали ва хавфсиз дозасини танлаш принципларини ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек миллатига мансуб БФ мавжуд беморларда CYP2C9 генининг CYP2C9\*2 ва CYP2C9\*3 полиморфизмлари учраши частотасини ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

ўзбек миллатига мансуб БФ мавжуд беморларда VKORC1 генининг G(-1639)A полиморф маркери учраши частотасининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиб чиқиши;

CYP2C9 генининг CYP2C9\*2 ва CYP2C9\*3 аллель варианtlари ташилиши билан Вф нинг танланган дозаларини ўзаро боғлиқлигини баҳолаш;

VKORC1 гени G(-1639)A полиморф маркери ташилишига боғлиқ ҳолда Вф нинг танланган дозаларининг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш;

Беморларда CYP2C9 ва VKORC1 генларнинг мос равишида CYP2C9\*2/\*3 ва G(-1639)A полиморфизмларининг турли комбинацияларининг ташилиши билан антикоагулянт қабул қилиш фонида ХТГ ривожланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш;

Ўзбек миллатига мансуб bemорларда БФнинг узок давом этган турларида, Вф нинг ҳисоблаб чиқариш дозалари алгоритмини ишлаб чиқиши;

**Тадқиқотнинг обьекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида кузатувда бўлган БФ мавжуд 172 та bemor танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида веноз қон ва зардоби биокимёвий ва иммуногенетик тадқиқотлар учун олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини бажаришда клиник, лаборатор-биокимёвий, молекуляр-генетик, инструментал ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

ўзбек миллатига мансуб БФ мавжуд bemорларда ХМН лозим бўлган кўрсаткичларини таъминловчи антикоагулянтнинг кунлик ва хавфталик ушлаб

турувчи дозалари ҳамда ХТГ эпизодлари ривожланишини билан CYP2C9 гени CYP2C9\*2 ва CYP2C9\*3 полиморфизлари аллеллари ташилиши ўртасидаги боғлиқлик илк бор исботланган;

ўзбек миллатига мансуб БФ мавжуд беморларда антикоагулянтнинг хисоблаб чиқилган дозалари ва ХТГ ривожланишида, VKORC1 генинг G(-1639)A полиморф маркерини ташилиши, CYP2C9 генининг нуқсонли генотипларига нисбатан кўпроқ даражада таъсир этиши аниқланган;

CYP2C9 генининг CYP2C9\*2/\*3 полиморфизмлари ва VKORC1 гени G(-1639)A полиморф маркерини ташилиши турли комбинацияларининг антикоагулянт терапия самарадорлигига ва ХТГ ривожланиши хавфига таъсири баҳоланган;

CYP2C9 ва VKORC1 генлари CYP2C9\*2/\*3 ва G(-1639)A полиморфизмларига генотиплаш натижалари асосида ўзбек миллатига мансуб БФ мавжуд беморларда антикоагулянт терапия самарадорлигини ва хавфсизлигини хисоблаб чиқувчи янги дастурий махсулот ишлаб чиқилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

бирламчи бўғин шифокорлари томонидан БФ мавжуд беморларда ТЭАни профилактикасига эътиборнинг етарли эмаслиги, антикоагулянт терапия тавсия этилишининг хаддан ташқари кам учраши аниқланган;

ўзбек миллатига мансуб БФ мавжуд беморларни генотиплаш - CYP2C9 гени CYP2C9\*2 ва CYP2C9\*3 полиморфизмларини ҳамда VKORC1 гени G(-1639)A полиморф маркерининг учраш частотасини аниқлаш, шунинг билан антикоагулянт терапияни титрлаш муддатларини қисқартириш ва қон кетишлар сонини камайтириш чора-тадбирлари такомиллаштирилган;

ўзбек миллатига мансуб БФ мавжуд беморларда ХТГ учраши частотаси VKORC1 гени G(-1639)A полиморф маркери AA генотипи ташилиши билан ўзаро боғлиқлик даражаси энг юқорилиги исботланган;

CYP2C9 ва VKORC1 генларининг CYP2C9\*2/\*3 ва G(-1639)A полиморфизмларига генотиплаш маълумотлари асосида ўзбек миллатига мансуб БФ мавжуд беморларда Вф нинг адекват дозаларини хисоблаб чиқишига имкон берувчи компьютер дастури ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий ишдаги қўлланилган назарий ёндошув ва усулларни тўғри қўлланилганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, услубийи жихатдан тўғри ёндошиш, тадқиқот натижаларининг хорижий тадқиқотлар натижалари билан таққосланганлиги, олинган натижалар ҳамда чиқарилган хуносаларнинг далилий тиббиёт тамойилларига асосланганлиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ўзбек миллатига мансуб БФ мавжуд беморларда генотиплаш бўйича шахсий натижалар асосида CYP2C9 ва VKORC1 генлари турли полиморфизмларининг учраш частотаси ва уларнинг ХТГ ҳоллари ривожланиши хавфи билан ўзаро боғлиқлиги аниқланганлигидан иборат. Бундан ташқари CYP2C9 гени CYP2C9\*2 /\*3 полиморфизмлари ва VKORC1 гени G(-1639)A полиморф маркерининг ҳам алоҳида, ҳам биргаликда

ташилиши билан, ХМН нинг мақсад қилинган даражасини таъминловчи ВФ нинг самарадор суткалик ва хафталик дозалари орасидаги боғлиқлик аниқланганлиги билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, БФ мавжуд ҳар бир бемор учун хавфни баҳолаш мақсадида эрта босқичларда хавф-стратификация схемасини қўллаш, bemорларни юритишга дифференциал ёндошув ишлаб чиқишига ва шу орқали уларда ногиронлик ҳамда ўлим даражасини камайтириши исботланган. Фармакотерапияни оптималлаштириш, антикоагулянтнинг адекват суткалик дозасини белгилаш, ТЭА ва қон кетишлар хавфини баҳолаш БФ мавжуд bemорларда ногиронлик даражасини ва госпитализациялар сонининг камайишига олиб келиши, бу эса ўз навбатида bemорларни қайта даволашга сарфланадиган моддий харажатларни тежаш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** БФ мавжуд ўзбек миллатига мансуб bemорларда CYP2C9 ва VKORC1 генлар полиморфизмларининг антикоагулянтнинг клиник самарадорлигига таъсирини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Бўлмачалар фибрилляцияси мавжуд bemорларда тромбоэмболик асоратлар профилактикасида варфариннинг суткалик дозасини аниқлаш» мавзусида услубий қўлланма тасдиқланган ва жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 3 майдаги 8Н-з/61-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланмада ишлаб чишилган маълумотларнинг жорий этилиши БФ мавжуд bemорларда ТЭА, жумладан ИИ ва қон кетиш хавфини пасайтириш, препаратнинг самарадор ва хавфсиз дозасини танлаш учун имкон яратган.

БФ мавжуд ўзбек миллатига мансуб bemорларда генетик омилларни антикоагулянт дори воситаси самарадорлигига ва хавсизлигига таъсирини ўрганиш орқали олинган тадқиқот натижаларининг тегишли қисмлари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари кардиология диспансерларининг амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 3 майдаги №8 Н-з/61-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётта татбиқ қилиниши БФ мавжуд bemорларда хавф-стратификацияларни оптималлаштириш, даволашни такомиллаштиришга, жумладан антикоагулянтнинг хавфсиз дозасини эрта танлаш, ҳаёт сифат даражасини оширишга, ногиронлик даражасини камайтириш ва мазкур гурух bemорларда қайта-қайта госпитализациялар сонини қисқартириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқотнинг натижалари 11 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 50 та илмий ишлар нашр қилинган бўлиб, жумладан, 9 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган журналларда, улардан 2 таси халқаро илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш қисмидан, 4 та асосий боб ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил қиласди.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмida** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиёт маълумотлари мунозараси**» деб номланган биринчи бобида диссертацияга тааллуқли халқаро илмий тадқиқотларнинг изчил таҳлили ўтказилган. Адабиёт мунозараси боби 6 та кичик бобдан иборат бўлиб, уларда БФ тарқалганлиги, унинг ТЭА, сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) ривожланишидаги роли бўйича маълумотлар келтирилган. ТЭАни профилактика қилишнинг замонавий услублари келтирилган, шунингдек, ТЭА ва қон кетишлар хавфини баҳолаш шкаалари кўрсатилган. Турли генлар полиморфизмининг ТЭА профилактикаси учун қўлланиладиган препаратлар, хусусан, Вф метаболизмига таъсири бўйича тадқиқотлар маълумотлари баён қилинган.

Диссертациянинг «**Клиник материал ва тадқиқот услубларининг умумий тавсифномаси**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материали ва услублари баён этилган, тадқиқотга киритилган БФ мавжуд bemорларнинг ва қўлланилган услубларнинг тавсифномаси, шунингдек, олинган натижаларни баҳолаш мақсадида фойдаланилган статистик услублар ёритилган. Тадқиқотга ўзбек миллатига мансуб иккала жинсдаги (52,3% эркак) 38 дан 75 ёшгача (ўртача ёши  $60,5\pm9,6$ ) БФнинг персистирловчи ( $n=66$ ) ва доимий ( $n=106$ ) тури бўлган, ҳам клапанли ( $n=56$ ), ҳамда клапан этиологиясига эга бўлмаган ( $n=116$ ) БФ мавжуд 172 нафар bemор киритилди (1-жадвал). Ўзбек миллатига мансублиги bemор билан сухбат давомида унинг оиласи аъзоларининг олдинги учта авлоднинг ушбу миллатга мансублигини тасдиқлаш йўли билан аниқланди.

Тадқиқотга симптомлари БФ нинг клиник белгиларидан устун бўлган ёндош касалликлари мавжуд, шунингдек, Вф тайинланишига қарши кўрсатмаларга эга bemорлар киритилмади.

Барча bemорларга асосий касалликнинг базис медикаментоз терапияси Европа кардиологлари уюшмаси (ЕКУ) тавсияларги мувофиқ тайинланди. Асосий касалликни даволаш учун базис терапияга қўшимча қилиб XMH назорати остида Вф тайинланди. ХТГ 3,0 дан ортиқ бўлган XMH ҳолларда қайд этилди.

БФ нинг клиник кечиши, ЭКГ, ЭКГХМ, ЭхоКС, ХМН динамикаси ва биокимёвий кўрсаткичлар таҳлил қилинди. ТЭА ва қон кетишлар ривожланиши хавфлари мувофиқ равишда CHA<sub>2</sub>DS<sub>2</sub>-VASc ва HAS-BLED шкалалари бўйича баҳоланди. TTR кўрсаткичи (Time in therapeutic range – ХМН ни кетма-кет ўлчаш таҳлилига киритилган сондан тавсия қилинган (2-3) диапазондаги ХМН кўрсаткичларининг фоизли нисбати) таҳлил қилинди.

### 1-жадвал

#### Беморларнинг клиник тавсифномаси

Белгилар	Умумий гурух
Беморлар сони, н	172 (100%)
Эркаклар, н	90 (52,3%)
Аёллар, н	82 (47,7%)
Ёши, йил	60,5±9,6
Бўйи, м	1,67±0,09
Вазни, кг	83,4±15,5
ТВИ, вазни (кг)/бўйи (м <sup>2</sup> )	29,9±5,5
БФ персистик тури (давомийлиги 134±101 кун), н	66 (38,4%)
БФ доимий тури (давомийлиги 1302,5±856,9 кун), н	106 (61,6%)
ЮИК ва/ёки АГ, н	107 (62,2%)
ЮСРК, н	56 (32,6%)
Миокардит, н	5 (2,9%)
ДКМП, н	4 (2,3%)
ТИА/ анамнезда БМҚАЎБ, н	18 (10,5%)
CHA <sub>2</sub> DS <sub>2</sub> -VASc, балл	3,80±1,68
HAS-BLED, балл	2,27±1,18

Изоҳ: н –беморлар сони; ТВИ –тана вазни индекси, ЮИК – юрак ишемик касаллиги, АГ- артериал гипертензия, ЮСРК- юрак сурункали ревматик касаллиги, ДКМП – дилатационная кардиомиопатия, ТИХ- транзитор ишемик хуруж, БМҚАЎБ – бош мия қон айланишининг ўтқир бузилиши.

CYP2C9 гени CYP2C9\*2/\*3 полиморфизмлари ва VKORC1 гени G(-1639)A полиморф маркерини генотиплаш полимераз занжирли реакция (ПЦР) услуби ёрдамида молекуляр-генетик таҳлил бажарилди.


Олинган натижаларнинг статистик ишлови Pentium-IV персонал компьютерида маълумотлар таҳлилининг «Microsoft Office Excel 2010» стандарт пакети, «Statistica 10.0» дастури ёрдамида ўтказилди. Натижалар-нинг нормал тақсимланиш қонунига мувофиқлиги баҳоланди. Қуйидагилар аниқланди: танланган ўртача арифметик қиймат X; танланган ўртача квадратик (стандарт) чекланиш – SD. Натижалар X±SD кўринишида тақдим этилди. Параметрик ва нопараметрик статистика услублари ёрдамида Стью-дент (t), Манн-Уитни мезонлари,  $\chi^2$  мезони, ANOVA мезони (p) қийматининг турли даражаларида аниқланди. Статистик ишончлилик даражаси сифатида p <0,05 қабул қилинди.

«Шахсий тадқиқот натижалари» номли З боб 8 та кичик бобдан иборат. Диссертациянинг «Ўзбек миллатига мансуб БФ мавжуд беморларда Вф билан бошланғич терапия дозалашнинг икки режими нинг таҳлили» деб номланган биринчи кичик бобида Вф билан бошланғич терапиянинг дозалаш режимлари баён қилинган. Шу мақсадда Вф 2,5 ёки 5,0 мг/сут дозада ХМН назорати остида тайинланди. 32 та бемор 2 та гурухга бўлинди: 1-гурухни Вф бошланғич 5,0 мг/сут дозада тайинланган 15 та бемор, 2-гурухни 2,5 мг/сут дозада препарат тайинланган 17 та шахс ташкил қилди. Гурухлар бир-биридан жинси, ёши,  $\text{CHA}_2\text{DS}_2\text{-VASc}$  ва HAS-BLED шкалаларининг ўртаси қийматлари бўйича ўзаро фарқ қилмадилар.

Умуман олганда олти ойлик кузатув даврида ХТГ ҳолатлари, ЕКУ ва Россия кардиологлари уюшмаси (РКУ) тавсияномаларига мос равиша, 1 чи гурух беморларда 2 чи беморлар гуруҳига нисбатан ишончли равиша кўпроқ учради: мувофиқ равиша 15 (100%) 9 (52,9%) га қарши ( $\chi^2=7.069$ ;  $p=0.008$ ). Бунда таққосланаётган гурухлар орасида ХМН даражаси бўйича ишончли фарқлар аниқланмади: мувофиқ равиша биринчи ва иккинчи гурухларда  $4,01\pm1,01$  қарши  $4,25\pm1,20$  ( $p>0.05$ ). Мазкур кузатув даврида иккинчи гурухда 3 та (17,6%) ва биринчи гуруҳдаги 3 та (20,0%) беморда кичик қон кетиш эпизодлари қайд этилди (бурун ва/ёки милк қонаши; тери ости гематомаси ва геморроидал қон кетиш). Таъкидлаб ўтиш лозимки, улар маҳсус тиббий аралашувни талаб этмади ва Вф нинг қўллаб турувчи дозаларини коррекция қилиш йўли билан бартараф этилди. Биринчи гурух беморларида ХТГ эпизодига эришишнинг ўртаси вақти иккинчи гурух беморларида нисбатан қисқароқ бўлганлиги аниқланди ( $9,24\pm5,92$  vs  $27,52\pm28,8$  кун,  $p=0,049$ ). Бунда шуни қайд этиш лозимки, мақсад қилинган ХМН даражасига эришиш вақти таққосланаётган гурухларда деярли фарқ қилмади: биринчи ва иккинчи гурухларда мувофиқ равиша  $29,2\pm10,3$  vs  $32,2\pm13,7$  кун ( $p>0,05$ ). Гурухлар аро ХМН нинг мақсад қилинган даражаларини (мувофиқ равиша  $2,44\pm0,32$  vs  $2,28\pm0,30$ ,  $p>0,05$ ) қўллаб турувчи Вф нинг суткалик дозалари ( $3,41\pm0,70$  мг/сут vs  $3,13\pm1,23$  мг/сут,  $p>0,05$ ) статистик ишончли даражада фарқланмади. Шу тариқа ўзбек миллатига мансуб шахслар учун 5,0 мг бошланғич дозанинг маъкул эмаслиги белгиланди.

«Ўзбек миллатига мансуб БФ мавжуд беморларда CYP2C9 генининг CYP2C9\*2 ва CYP2C9\*3 полиморфизларининг учраш частотасининг ўзига хослиги» деб номланган иккинчи кичик бобда CYP2C9 гени C430T (Arg 144Cys) гени полиморфизмининг тақсимланиши ўрганилди. Генотиплаш натижалари бўйича CYP2C9 гени C430T полиморфизми бўйича қўйидагича тақсимланиш аниқланди: гомозигота варианти, CYP2C9\*1/\*1 «ёввойи» типи 130 та (75,6%) беморда, CYP2C9\*1/\*2 гетерозигота варианти 39 та (22,7%) беморда ва CYP2C9\*2/\*2 гомозигота варианти эса 3 та (1,7%) беморда аниқланди. Аллелларнинг тақсимланиши нотекис бўлиб: текширилган беморлар орасида \*1-аллелнинг ташилиши 86,9% ҳолларда, \*2-аллелнинг ташилиши эса 13,1% ҳолларда кузатилди (1 Расм). A1075C (CYP2C9\*3) полиморфизмини генотиплашда аниқландик, CYP2C9\*1/\*1 «ёввойи» гомозигота генотипи 165 та (95,9%) беморда учраган, 7 (4,1%) беморда

CYP2C9\*1/\*3 генотипи гетерозигота варианти аниқланган. текширилган беморлар танловида CYP2C9 гени A1075C полиморфизми бўйича бирорта ҳолда ҳам CYP2C9\*3/\*3 гомозигота генотипининг ташилиши қайд қилинмаган. Аллелларнинг тақсимланиши ҳам нотекис эканлиги қузатилди: \*1-аллелининг ташилиши 97,96% ҳолларда, \*2-аллели ташилиши 2,03% ҳолларда қайд этилди (1 расм).



**1-расм.** Ўзбек миллатига мансуб БФ мавжуд bemорларда CYP2C9 гени CYP2C9\*2/\*3 полиморфизмлари ва VKORC1 гени G(-1639)A полиморф маркерининг тақсимланиши.

Диссертациянинг «Ўзбек миллатига мансуб БФ мавжуд bemорларда VKORC1 гени G(-1639)A полиморф маркери учрашининг частотаси» деб номланган учинчи кичик бобида мазкур полиморфизмнинг ўзбек миллатига мансуб БФ ли bemорларда учраш частотаси хусусиятлари ўрганилди. VKORC1 гени G(-1639)A полиморф маркерини генотиплаш натижалари бўйича генотипларнинг ўзбек миллатида қуидагича тақсимланиши маълум бўлди: гомозигота варианти AA генотип 44 та (25,6%) bemорда, гетерозигота вариант AG – 81 та (47,1%) bemорда кузатилди ва 47 та (27,3%) bemорда GG гомозигота генотипи («ёввойи» тип) аниқланди (1-Расм). Аллелларнинг тақсимланишида ҳам шундай нотекислик қайд этилди: \*G-аллель ташилиши 49,1% ҳолларда, \*A-аллель ташилиши 50,9% ҳолларда кузатилди.

CYP2C9 ва VKORC1 генларининг учала полиморфизми аллеллари нисбатининг Харди-Вайнберг қонунини қониқтиришга текширилганда аниқланишича, HWE=1 кўрсаткичи, танлаб текширилган bemорларда аллеллар ва генотипларнинг teng тақсимланишига мувофиқ келади.

Тўртинчи «Варфариннинг самарадор танланган дозасини CYP2C9 генининг CYP2C9\*2 полиморфизмлари билан ўзаро боғлиқлиги» деб номланган кичик бобида ўзбек миллатига мансуб узок муддат мавжуд бўлмачалар фибрилляцияси бор bemорларда CYP2C9 гени CYP2C9\*2 полиморфизмнинг варфарин самарадорлигига таъсири ўрганилди. Дастлаб Вф самарадорлигига CYP2C9 гени CYP2C9\*2 полиморфизмнинг шахсий улушкини баҳолаш учун bemорларнинг умумий танловидан (n=172) CYP2C9 гени CYP2C9\*3 вариантли аллелларни; шунингдек, VKORC1 гени G(-1639)A полиморф маркерини ташувчи шахслар истисно қилинди (n=119). Бундан

ташқари ушбу таҳлилдан Вф нинг бошланғич дозаси 5 мг/сут ни ташкил қилған беморлар (n=15) ҳам чиқариб ташланди. Генотиплаш натижалари бўйича қолган 38 нафар беморлар иккита гурухга ажратилди: 1-гурухни фаол метаболизаторлар ҳисобланган ва Вф нинг паст дозаларини талаб қилмайдиган «ёввойи» тип бўйича гомозиготаларга (CYP2C9\*1/\*1) эга 31 та бемор (эркаклар 58,06%) ташкил қилди. 2-гурухни CYP2C9\*1/\*2 (n=6) ва CYP2C9\*2/\*2 (n=1) генотипларга эга 7 та бемор (эркаклар 57,14%) ташкил қилди. ХТГ юқори хавфига эга аллель варианларнинг кам сонли бўлганлиги туфайли CYP2C9\*1/\*2 ва CYP2C9\*2/\*2 га эга беморлар 2-гурух таркибида бирлаштирилди. Ёш, жинс, ТВИ, асосий ва ёндош касалликлар бўйича гурухлараро фарқлар аниқланмади.

6 ойлик кузатув даврида ХМН даражаси ўртача  $2,3 \pm 0,4$  қийматини таъминлаб берувчи Вф нинг ўртача қўллаб турувчи дозаси 38 та беморда  $3,7 \pm 1,2$  мг/сут ни, хафталик доза эса  $26,8 \pm 9,3$  мг/хаф ни ташкил қилди (2-жадвал). ХМН нинг мақсад қилинган даражаларини таъминлаб берувчи дозаларни таҳлил қилиш борасида аниқландик, 1-гурух беморларида 2-гурух беморларига нисбатан Вф нинг бироз юқори суткалик ( $3,9 \pm 1,2$  мг  $3,1 \pm 1,0$  мг га қарши) ва хафталик ( $27,7 \pm 9,3$  мг  $22,7 \pm 8,7$  мг га қарши) дозалари талаб қилинган, бироқ гурухлараро фарқлар статистик аҳамиятга эга бўлмаган ( $p > 0,05$ ).

Таққосланаётган гурухларда Вф метаболизмига таъсир қилувчи препаратларни ҳисобга олиш учун базис терапиясини таҳлил қилиш борасида аниқландик, 1-гурух беморларига 2-гурухга нисбатан базис терапия таркибида амиодарон, статинлар, ностероид яллиғланишга қарши дори воситалар ва юрак гликозидлари бироз кўпроқ тайинланган, бироқ гурухлараро фарқлар статистик аҳамиятга эга бўлмаган. Шунга қарамасдан ХТГ ривожланиши ҳоллари ЧГ хавфи юқори бўлган 2-гурух беморларида 1-гурухга нисбатан 2 марта кўпроқ учраган: 1-гурухда 4 та (57,14%) беморда ва 2-гурухда 9 та (29,03%) беморда қайд этилган, бироқ кузатувлар сонининг камлиги туфайли ушбу фарқ статистик аҳамиятга эга бўлмади ( $\chi^2 = 0,950$ ;  $p = 0,330$ ). Аналогик равишида статистик аҳамиятга эга бўлмаган тенденция ХТГ га олиб келган Вф дозаларини солиширгандан ҳам аниқланди: 1-гурухда  $3,8 \pm 0,9$  мг/сут ва 2-гурухда  $4,1 \pm 0,6$  мг/сут ( $p > 0,05$ ). Кузатув давомида ҳаётга хавф солувчи катта қон кетишилар эпизодлари қайд этилмади. Кичик қон кетиши эпизодлари эса таққосланаётган гурухларда статистик аҳамият касб этувчи фарқларга эга бўлмади: биринчи ва иккинчи гурухларда 3 (9,7%) ва 1 (14,3%), мувофиқ равишида ( $\chi^2 = 0,134$ ;  $p = 0,747$ ).

Аллеллар таҳлилида \*2-аллелни ташувчиларда \*1-аллель ташувчиларига нисбатан ХМН нинг мақсад қилинга даражаларини (мувофиқ равишида  $2,3 \pm 0,3$  ва  $2,3 \pm 0,4$ ,  $p > 0,05$ ) таъминловчи Вф нинг ишончли равишида паст қўллаб турувчи дозалари қайд этилди ( $3,0 \pm 0,9$  мг/сут  $3,8 \pm 1,2$  мг/сут га қарши;  $p = 0,000$ ). Шунингдек, \*1 ва \*2 аллеллар ташувчиларида Вф нинг қўллаб турувчи хафталик дозалари бўйича ҳам ишончли фарқлар аниқланди: мувофиқ равишида  $27,4 \pm 9,2$  мг/хаф ва  $21,7 \pm 8,5$  мг/хаф. Га қарши ( $p = 0,000$ ).

ХТГ ривожланиш ҳоллари частотаси, ХТГ юзага келтирадиган Вф дозаси, ҳамда ХТГ холлатларида ХМН ўртача қиймати бўйича \*1 ва \*2 аллел ташувчи гурухларда фарқ ўзаро статистик аҳамиятга эга бўлмади. Шунга қарамай, қон

кетишилар ривожланишини таҳлил қилишда фарқлар юқори ишончлилик даражасига етди: \*1 ва \*2 аллеллар ташувчиларида мувофиқ равишда 7 (2,34%) ва 2 (4,44 ( $\chi^2=16,49$ ;  $p=0.000$ ).

**«Варфариннинг самарадор танланган дозасини VKORC1 генинг G(-1639)А полиморф маркери ташилиши билан ўзаро боғлиқлиги таҳлили»** деб ном олган бешинчи кичик бобда VKORC1 гени G(-1639)А полиморф маркери ташилишининг Вф нинг терапевтик дозаларига таъсири ўрганилди. VKORC1 гени G(-1639)А полиморф маркери ташилишининг Вф самарадорлигига таъсирига шахсий улушкини баҳолаш учун беморлар умумий танловидан мустақил гипокоагуляцион таъсирга эга CYP2C9 гени \*2/\*3 вариантили аллелларни ташувчи шахслар, шунингдек, бошланғич 5 мг/сут дозада Вф қабул қилган беморлар чиқариб ташланди. Генетик тадқиқот маълумотларига кўра аниқландики, «ёввойи» тип GG генотипи 31 та (27,43%) беморда мавжуд бўлган, AG ва AA генотиплари эса мувофиқ равишда 51 та (45,13%) ва 31 та (27,43%) беморда аниқланган. VKORC1 гени G(-1639)А полиморф маркери GG, AG ва AA генотипларини ташувчи шахслар учун Вф нинг қўллаб турувчи дозаларининг қиёсий таҳлилида ишончли фарқлар аниқланди (2-Жадвал). Вф нинг қўллаб турувчи дозалари мувофиқ равишда  $3,63\pm1,07$ ,  $3,25\pm1,37$  ва  $2,65\pm1,17$  мг/сут ни ташкил қилди ( $H=10,988$ ;  $p=0,0041$ ;  $\chi^2 = 8,042$ ;  $p=0,017$ ). Аналогик равишда таққосланаётган гуруҳлар орасида Вф нинг хафталик қўллаб турувчи дозалари муносабатида ҳам ишончли фарқлар аниқланди. 1, 2 ва 3-гуруҳ беморларида ХМН нинг мақсад қилинган мувофиқ равишда  $2,28\pm0,33$ ,  $2,23\pm0,28$  и  $2,34\pm0,31$  ( $H=2,304$ ;  $p=0,5118$ ;  $\chi^2 = 2,481$ ;  $p=0,289$ ) даражаларини таъминлаб берувчи хафталик қўллаб турувчи доза GG генотипи ташувчиларида  $26,0\pm8,30$  мг/хаф дан, AG генотипи ташувчиларида  $22,7\pm9,6$  мг/хаф дан ва AA генотипли беморлада  $18,6\pm8,2$  мг/хаф дан иборат бўлди ( $H=11,569$ ;  $p=0,0031$ ;  $\chi^2 = 8,042$ ;  $p=0,017$ ).

TTR (time in therapeutic range) кўрсаткичи даражасини таҳлил қилишда аниқландики, VKORC1 гени G(-1639)А полиморф маркери GG генотипини ташувчи беморларда AG ва AA генотипларини ташувчиларга ( $43,6\pm25,8\%$  ва  $48,5\pm18,3\%$ ) нисбатан юқорироқ қийматлар ( $59,3\pm28,2\%$ ) қайд этилди, бироқ, ушбу фарқлар статистик аҳамиятга эга бўлмади ( $H=5,498$ ;  $p=0,064$ ;  $\chi^2 = 5,010$ ;  $p=0,081$ ). VKORC1 гени G(-1639)А полиморф маркери AA генотипини ташувчиларда AG гетерозигота генотипини ва GG гомозигота генотипини ташувчиларга нисбатан ХТГ эпизодлари статистик ишончли даражада кўпроқ қайд этилди мувофиқ равишда 70,9% 47,1% ва 38,7%га қарши ( $H=7,074$ ;  $p=0,029$ ;  $\chi^2 = 6,807$ ;  $p=0,033$ ). ХТГ ривожланиши вақтидаги ХМН нинг ўртача қийматлари GG, AG ва AA генотипли беморларда ишночли фарқларга эга бўлмади ва мувофиқ равишда  $3,81\pm0,76$ ,  $4,10\pm1,20$  ва  $3,91\pm0,62$  ни ташкил қилди ( $H=0,241$ ;  $p=0,886$ ;  $\chi^2 = 0,144$ ;  $p=0,930$ ). Шуниси қизиқки, учта солиштирилаётган гуруҳда (GG, AG, AA ташувчиларида) Вф нинг дозалари статистик жиҳатдан таққослама бўлиб, мувофиқ равишда  $3,79\pm0,93$ мг,  $3,36\pm0,94$ мг ва  $3,18\pm1,0$ мг ни ташкил қилди ( $H=4,320$ ;  $p=0,115$ ;  $\chi^2 = 3,757$ ;  $p=0,152$ ).

Бундан ташқари GG ёввойи генотип ташувчи шахслар, AG ва AA генотип ташувчи беморлар умумлаштирилган гурухи билан солиштирилган ҳолда таҳлил

қилинди. Вф нинг хафталик ва суткалик қўллаб турувчи дозаларидаги GG ёввойи генотип ташувчи шахсларни ( $n=31$ ) AG ва AA генотип ташувчи беморлар умумлаштирилган груҳи ( $n=82$ ) билан солиштириш таҳлилида аниқландики, биринчи груҳ беморларига иккинчи грухга нисбатан XMH нинг мақсад қилинган даражаларини ( $2,28\pm0,33$  ни  $2,27\pm0,30$  га қарши) ( $p>0,05$ ) таъминловчи Вф нинг ишончли равищда юқори суткалик ( $3,63\pm1,07$  мг/сут  $3,02\pm1,32$  мг/сут га қарши) ва хафталик дозалари ( $26,0\pm8,30$  мг/хав  $21,13\pm9,26$  мг/хав га қарши) талаб этилган. Шунингдек, таққосланаётга грухлар ўртасида гипокоагуляциянинг терапевтик вақти (TTR) даражасида ишончли фарқ аниқланди. AA ва AG генотипларини ташувчи шахсларда гипокоагуляциянинг терапевтик вақти даражаси ( $45,4\pm23,2\%$ ) GG ёввойи генотип ташувчи шахсларга ( $59,3\pm28,2\%$ ) нисбатан ишончли даражада паст эканлиги қайд этилди ( $p=0,019$ ). GG генотипини AG ва AA генотипларининг умумлаштирилган груҳи билан қиёсий таҳлил қилинганида аниқландики, биринчи грухда XТГ эпизодлари солиштирилаётган грухга нисбатан бироз камроқ учраган, бироқ фарқлар статистик характерга эга бўлмади ( $p>0,05$ ). Бунда грухлар XТГ коагуляция чақирган Вф дозаси бўйича ишончли фарқларга эга бўлди: GG генотипли беморларда  $3,79\pm0,93$  мг/сут га қарши AG ва AA генотипли беморларда  $3,28\pm0,96$  мг/сут ( $p=0,012$ ). XТГ ривожланган вақтда XMH нинг ўртача қиймати AG ва AA генотипли беморларда ( $4,01\pm0,96$ ) GG генотипли беморларга ( $3,81\pm0,76$  ЕД) нисбатан бироз юқори бўлган ( $p>0,05$ ).

VKORC1 гени G(-1639)A полиморфизми генотипларини таҳлилидан ташқари бизнинг томонимиздан Вф билан антикоагуляцион терапия (АКТ) кўрсаткичлари асосида аллеллар таҳлили ўтказилди. Аллелларни таҳлил қилганда \*A-аллелини ташувчиларда \*G-аллели ташувчиларига нисбатан XMH нинг мақсад қилинган даражаларини (мувофик равищда  $2,26\pm0,30$  ва  $2,29\pm0,31$ ,  $p>0,05$ ) таъминловчи Вф қўллаб турувчи дозаларининг ишончли даражада паст қийматлари қайд этилди ( $2,99\pm1,22$  мг/сут  $3,39\pm1,30$  мг/сут га қарши;  $p=0,018$ ). Шунингдек, Вф нинг хафталик қўллаб турувчи дозалари бўйича ишончли фарқлар аниқланди: G- ва A – аллелли шахсларда мувофик равищда  $20,91\pm8,59$  мг/хав ва  $24,03\pm9,56$  мг/хав ( $p=0,011$ ). XТГ ривожланиш ҳоллари иккала грухда ҳам бир хилда: мувофик равищда 51,32% ва 51,32% ҳолларда қайд қилинди, натижалар статистик аҳамиятга эга бўлмади ( $\chi^2=0,018$ ;  $p=0,894$ ). XТГ чақирган Вф дозаси \*G – аллелда бироз пастроқ бўлди:  $3,35\pm0,94$  мг/сут  $3,41\pm1,0$  мг/сут га қарши, бироқ фарқлар статистик аҳамият касб этмади ( $p>0,05$ ). XТГ ривожланган вақтда XMH нинг ўртача қийматлари \*G и \*A-аллеллар ташувчиларида мувофик равищда  $3,91\pm1,30$  ва  $4,02\pm0,91$  ни ташкил қилди ( $p>0,05$ ).

VKORC1 полиморфизми ва Вф билан антикоагулянт терапия фонида XТГ ривожланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг таъсирини ўрганишга 157 нафар ўзбек миллатига мансуб БФ мавжуд беморлар киритилди. АКТ га Вф нинг бошланғич дозаси таъсирини истисно қилиш мақсадида бошланғич доза 5 мг/сут ни ташкил қилган 15 та бемор умумий танловдан чиқариб юборилди. Беморлар иккита грухга ажратилди: 1-грухни XТГ эпизодлари ривожланмаган беморлар ( $n=81$ ), 2-грухни АКТ фонида 6 ой давомида XТГ ривожланган беморлар ( $n=76$ ) ташкил қилди.

## 2-жадвал


## VKORC1 гени G(-1639)A полиморф маркери ташилишининг варфариннинг терапевтик дозаларига таъсири

		Умумий гурух (n=113)	GG (n=31)	AG (n=51)	AA (n=31)	Kruskal-Wallis ANOVA		Median test	
						H	-p-	$\chi^2$	-p-
Вф қўллаб турувчи дозаси	суткалик мг/сут	3,19±1,28	3,63±1,07	3,25±1,37	2,65±1,17	<b>10,988</b>	<b>0,0041</b>	<b>8,042</b>	<b>0,017</b>
	хафталик мг/хаф	22,48±9,23	26,0±8,30	22,72±9,61	18,59±8,17	<b>11,569</b>	<b>0,0031</b>	<b>8,042</b>	<b>0,017</b>
ХМН		2,27±0,31	2,28±0,33	2,23±0,28	2,34±0,31	2,3040	0,5118	2,481	0,289
TTR, %		50,04±25,7	59,3±28,2	43,6±25,8	48,5±18,3	5,498	0,064	5,010	0,081
ХТГ, n (%)		58 (51,3%)	12 (38,7%)	24 (47,1%)	22 (70,9%)	<b>7,074</b>	<b>0,0291</b>	<b>6,807</b>	<b>0,033</b>
ХТГ холатини юзага келтирган Вф дозаси, мг/сут		3,38±0,9	3,79±0,93	3,36±0,94	3,18±1,00	4,320	0,1153	3,757	0,1528
ХТГ холатида ХМН микдори		3,97±0,92	3,81±0,76	4,10±1,20	3,91±0,62	0,241	0,886	0,144	0,930

Ууман олганда гурухлар орасида ёш бўйича ( $p=0,271$ ), жинс ( $p=0,810$ ), вазн ( $p=0,403$ ), бўй ( $p=0,637$ ), ТВИ ( $p=0,460$ ), CYP2C9 гени CYP2C9\*2 ( $p=0,264$ ), CYP2C9\*3 полиморфизмлар тарқалиши ( $p=0,286$ ), асосий ва ёндош касалликлар, Вф метаболизмини кучайтирувчи препаратлар киритилган базис терапия бўйича фарқлар аниқланмади. VKORC1 гени -G1639A полиморфизми полиморф маркери аллеллари учраши частотаси бўйича фарқлар қайд қилинди. VKORC1 гени полиморфизми бўлган беморларда нисбий хавф (HX) ни баҳолаш учун аллеллар учун мультиплекатив модель ва генотиплар учун аддитив модель тузилди. Аниқландик, 2-гурух беморларида солишириш гурухига нисбатан А-аллель ишончли равишда кўпроқ учраган (59,9% 40,1% га қарши;  $\chi^2=10,04$ ;  $p=0,002$ ). VKORC1 гени полиморфизмлари бор беморларда ХТГ ривожланиши HX ни таҳлил қилишда аниқландик, VKORC1 гени А-аллели ташилиши ( $OR = 2.06$ ; 95% CI 1.31-3.23) G-аллелини ташувчиларига ( $OR = 0.48$ ; 95% CI 0.31-0.76) нисбатан ХТГ нинг ишончли ривожланиши билан боғлиқ бўлган ( $\chi^2=10,04$ ;  $p=0,002$ ). АА-генотипини ташувчиларида ХТГ ривожланиши HX ишончли юқори бўлиб ( $\chi^2=9,62$ ;  $p=0,002$ ), 3,75 ни (95% CI= 1,74-8,07) ташкил қилди, шу билан бир вақтда AG ва GG-генотиплари ташилиши ХТГ ривожланиши HX нинг анча пасайиши билан шартланди ва мувофиқ равишда 0,58 (95% CI=0,31-1,09) ва 0,55 (95% CI=0,26-1,15) ни ташкил қилди. Ушбу аллеллар нисбатининг Харди-Вайнберг қонуини қониқтиришга текширилганда аниқландик, HWE=1 кўрсаткичи, текширилган беморлар танловида аллеллар ва генотипларнинг тенг тақсимланишига мувофиқ келди. 2-гурух беморларида 1-гурухга нисбатан ХМН нинг максад қилинган қийматларини (мувофиқ равишда  $2,29\pm0,29$   $2,24\pm0,37$  га қарши,  $p>0,05$ ) таъминловчи Вф нинг статистик ишончли қўллаб турувчи суткалик (мувофиқ равишда  $2,56\pm0,92$ мг/сут  $3,72\pm1,22$ мг/сут га қарши,  $p=0,000$ ) ва хафталик ( $26,38\pm8,84$ мг/хаф  $17,83\pm6,46$ мг/хаф га қарши,  $p=0,000$ ) аҳамияти паст даражада қўллаб турувчи дозалари бўйича ишончли фарқлар аниқланди.

**«CYP2C9 гени CYP2C9\*2/\*3 полиморфизмлари, шунингдек, VKORC1 гени G(-1639)А полиморф маркерининг аллель варианларини ташилиши билан варфарин қўлланилиш фонида юзага келган ХТГ нинг ўзаро боғлиқлиги таҳлили»** деб номланган олтинчи кичик бобда CYP2C9 гени CYP2C9\*2/\*3 полиморфизмларининг, шунингдек, VKORC1 гени G(-1639)А полиморф маркерининг турли бирикмадаги комбинациядаги генотиплари ташилиши ва Вф нинг қўллаб турувчи суткалик дозалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ўрганилди. Таҳлил кўрсатдик, Вф нинг энг катта қўллаб турувчи суткали дозаси ( $3,86\pm1,21$ мг/сут) фақат CYP2C9\*2/\*3 полиморфизми \*1/\*1 «ёввойи» генотиплари ва VKORC1 гени G(-1639)А полиморф маркери GG-генотипи ташувчи беморлар гурухига ( $n=35$ ) талаб этилди. Шу билан бир вақтда CYP2C9\*2/\*3 полиморфизми \*1/\*1 генотипларининг VKORC1 гени G(-1639)А полиморф маркери нуқсонли AA-генотипи билан бирга ташилиши мавжуд беморларда ( $n=36$ ) Вф нинг қўллаб турувчи суткалик дозаси ишончли равишда 1.5 баробар паст бўлиб,  $2,45\pm1,00$ мг/сут ни ташкил қилди ( $p=0,000$ ). CYP2C9\*2/\*3 полиморфизми \*1/\*1 «ёввойи» генотипнинг VKORC1 гени G(-1639)А полиморф маркери AG-генотипи (гетерозиготали нуқсонли) билан

бирга ташувчи шахслар гурухи оралиқ ҳолатга эга бўлиб, уларда Вф нинг суткали қўллаб турувчи дозаси  $3,48\pm1,1$  мг/сут ни ташкил қилди. Статистик таҳлил таққосланаётган CYP2C9\*2/\*3 полиморфизми \*1/\*1 генотипини ташувчи ва VKORC1 гени G(-1639)A полиморф маркери GG, AG, AA- генотипларини ташувчи беморлар гурухлари ўртасида Вф нинг қўллаб турувчи дозалари орасида ишончли фарқларни кўрсатди ( $p=0,000$ ). Худди шунга мос қонуният VKORC1 гени G(-1639)A полиморф маркери GG, AG, AA генотипларининг CYP2C9 гени CYP2C9\*2 полиморфизми \*1/\*2 –генотипи ташилиши билан бирга қўшилишида ҳам қайд қилинди.



**2-расм.** CYP2C9 гени CYP2C9\*2/\*3 полиморфизмлари ва VKORC1 гени G(-1639)A полиморф маркерининг турли бирикмадаги ташувчанлигида Вф нинг қўллаб турувчи дозалари билан ўзаро боғлиқлиги таҳлили ( $n=172$ )

Биз танлаган беморлар гурухида CYP2C9\*3 полиморфизми \*3/\*3 генотипларининг VKORC1 гени G(-1639)A полиморф маркери генотиплари билан бирга қўшилиб келиши аниқланмади. CYP2C9\*2/\*3 полиморфизмлари \*2/\*2, \*1/\*3, \*2/\*3 каби генотипларнинг учраши фақат бир неча якка ҳолларда учради, бироқ шунга қарамай, CYP2C9 ва VKORC1 генлари полиморфизмлар генотиплари ташилишининг ВФ қўллаб турувчи суткалик дозалари билан ўзаро боғлиқлиги тенденцияси мавжудлиги тўғрисида таҳмин қилишимиз мумкин. Афсуски, \*2/\*3 генотиплари учраши кам бўлганлиги ( $n=5$ ) сабабли CYP2C9 ва VKORC1 генлари полиморфизмлар генотиплари ташилишининг ВФ қўллаб турувчи суткалик дозалари билан аҳамиятга эга ўзаро боғлиқлигини аниқлашга имкон бўлмади.

CYP2C9 гени CYP2C9\*2/\*3 полиморфизми ва VKORC1 гени VKORC1 G(-1639)A полиморф маркери аллеллари ташилишининг ўзбек миллатига мансуб БФ мавжуд беморларда Вф нинг суткали қўллаб турувчи дозаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилганда аниқландикли, Вф нинг энг катта қўллаб турувчи суткалик дозаси ( $3,5\pm1,2$  мг/сут ва  $3,5\pm1,1$  мг/сут) CYP2C9 гени CYP2C9\*2 ва CYP2C9\*3 полиморфизмлари \*1-аллелининг VKORC1 гени G(-1639)A полиморф маркери G-аллели билан биргаликда ташилишига эга

беморлар гурухига талаб этилди. Шу билан бир қаторда CYP2C9 гени CYP2C9\*2 ва CYP2C9\*3 полиморфизмлари \*1-аллелини VKORC1 гени G(-1639)А полиморф маркери А-аллели билан биргаликда ташувчи bemорларда Вф нинг қўллаб турувчи суткалик дозалари ишончли даражада паст бўлиб,  $3,0 \pm 1,2$ мг/сут ( $p=0,000$ ) ва  $3,0 \pm 1,1$  ( $p=0,000$ ) ни ташкил қилди.

Шунга мос қонуният CYP2C9 гени CYP2C9\*2 ва CYP2C9\*3 полиморфизмлари \*2 ва \*3-аллелларини ва VKORC1 гени G(-1639)А полиморф маркери аллеларини ташувчи шахсларда ҳам сақланиб қолди. CYP2C9\*2 полиморфизми \*2-аллелини VKORC1 гени G(-1639)А полиморф маркери А-аллели билан биргаликда ташувчи bemорлар гурухидаги Вф нинг суткалик дозаси CYP2C9\*2 полиморфизми \*2-аллелини VKORC1 гени G(-1639)А маркери G-аллели билан биргаликда ташувчилар солишириш гурухидагига нисбатан пастроқ эканлиги қайд этилди (мувофиқ равишда  $2,8 \pm 1,0$ мг/сут  $3,1 \pm 0,8$ мг/сут га қарши), бироқ фарқлар статистик аҳамиятга эга бўлмади ( $p>0,05$ ). Шунга ўхшаш натижалар CYP2C9\*3 полиморфизми \*3-аллелининг VKORC1 гени G(-1639)А полиморф маркери аллелари билан биргаликда ташилишида кузатилди. CYP2C9\*3 полиморфизми \*3-аллелини VKORC1 гени G(-1639) полиморф маркери А-аллели билан биргаликда ташувчи шахслар гурухидаги Вф нинг суткалик дозаси VKORC1 гени G(-1639)А полиморф маркери G-аллелини CYP2C9\*3 полиморфизми \*3-аллели билан бирга ташувчиларга нисбатан шунингдек пастроқ бўлган ( $3,0 \pm 1,1$ мг/сут  $3,5 \pm 1,1$ мг/сут га қарши), бу ерда ҳам фарқлар статистик тавсифга эга бўлмаган ( $p>0,05$ ). Мазкур тенденция ушбу аллеллар иштирок этган турли комбинацияларда кузатилади.

Шундан сўнг бизнинг томонимиздан CYP2C9 гени CYP2C9\*2/\*3 полиморфизмлари ва VKORC1 гени G(-1639)А полиморф маркери аллелари ташилишининг Вф билан антикоагулянт терапия фонида ХТГ эпизодлари ривожланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ўзбек миллатига мансуб БФ мавжуд 157 нафар bemорда ўрганилди (3-жадвал). Бунинг учун bemорларнинг умумий танловидан ( $n=172$ ) Вф нинг бошланғич дозаси 5 мг/сут ни ташкил қилган bemорлар ( $n=15$ ) чиқариб ташланди. Турли генотиплар ташилишини таҳлил қилиш шуни кўрсатдиги, ХТГ ҳоллари ривожланишининг энг кам частотаси (29%) VKORC1 гени G(-1639)А полиморф маркери GG «ёввойи» генотипларининг CYP2C9 гени CYP2C9\*2/\*3 \*1/\*1 полиморфизмлари билан биргаликда ташилиши бўлган bemорлар гурухидаги учраган, бунда ХТГ ни чақирган Вф дозаси  $3,8 \pm 0,9$  мг/сут ни ташкил қилди. CYP2C9\*2/\*3 полиморфизмлари \*1/\*1-генотипини VKORC1 гени G(-1639)А полиморф маркери AA-генотипи билан бирга ташувчи шахсларда ХТГ эпизодлари 74% ҳолларда кузатилди ( $p<0,05$ ), шунингдек, ХТГ эпизодларини чақирган Вф нинг ишончли даражадаги паст дозаси ( $2,9 \pm 0,9$ мг/сут) аниқланди ( $p<0,05$ ). CYP2C9\*2/\*3 полиморфизмлари \*1/\*1-генотипини ташувчилар ва VKORC1 гени G(-1639)А полиморф маркери AG-генотипли bemорлар ( $n=52$ ) оралиқ ҳолатни эгалладилар, уларда ХТГ эпизодлари тезланиши 42% ҳолларда кузатилди, Вф дозаси эса  $3,8 \pm 1,4$ мг/сут ни ташкил қилди.

Генотиплар ташилишининг Вф суткалик қўллаб турувчи дозаси билан ўзаро боғлиқлик таҳлили каби генотиплар ташилишининг ХТГ эпизодлари

ривожланиши билан ўзаро боғлиқликни таҳлил қилганда аниқландики, CYP2C9\*2/\*3 полиморфизмлар \*2/\*2, \*1/\*3, \*2/\*3 генотиплари бир неча ҳолдагина учрашига қарамай, CYP2C9 ва VKORC1 генлари ташилиши ва ХТГ эпизодлари ривожланиши ўртасида боғлиқлик тенденцияси мавжудлигини эътироф этиш мумкин.

### 3-жадвал

#### Варфарин (мг/сут) билан даволаш фонида CYP2C9 генининг CYP2C9\*2/\*3 полиморфизмлари ва VKORC1 гени G(-1639)А полиморф маркери генотипларининг ташилиши билан ХТГ юзага келишининг ўзаро боғлиқлиги таҳлили (n=157).

Полиморфизм		CYP2C9*2/*3					
		*1/*1	*1/*2	*2/*2	*1/*3	*2/*3	*3/*3
VKORC1	GG (n=40)	<b>3,8±0,9</b> мг/сут (n=31) ХТГ=29%	<b>4,2±0,7</b> мг/сут (n=6) ХТГ=50%	<b>3,75</b> мг/сут (n=1) ХТГ=100%	<b>1,88</b> мг/сут (n=1) ХТГ=0	<b>3,75</b> мг/сут (n=1) ХТГ=0	-
	AG (n=75)	<b>3,8±1,4</b> мг/сут (n=52) ХТГ=42%	<b>3,9±0,9</b> мг/сут (n=18) ХТГ=38%	<b>3,13±0,88</b> мг/сут (n=2) ХТГ=0	-	<b>3,75±1,88</b> мг/сут (n=3) ХТГ=33%	-
	AA (n=42)	<b>2,9±0,9</b> мг/сут (n=31) ХТГ=74%	<b>2,8±0,6</b> мг/сут (n=9) ХТГ=89%	-	<b>3,75</b> мг/сут (n=1) ХТГ=100%	<b>1,875</b> мг/сут (n=1) ХТГ=100%	-

